

УДК: 331.08

## ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ ИННОВАЦИОН МОДЕЛИ

Навруз-Зода Бахтиёр Негматович, Бухоро давлат университети “Маркетинг ва менежмент” кафедраси профессори, и.ф.д.

## ИННОВАЦИОННАЯ МОДЕЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА

Навруз-Зода Бахтиер Негматович, профессор кафедры маркетинга и менеджмента Бухарского государственного университета, д.э.н.

## INNOVATION MODEL OF HUMAN CAPITAL

Navruz-Zoda Bakhtiyor Negmatovich, professor of marketing and management department of Bukhara State University, doctor of economics

**Аннотация.** Мақолада шахснинг сифатли таълим олиши ва самарали илмий-тадқиқот олиб бориши натижасида инновацион инсон қиёфасининг шаклланиши кўриб чиқилади. Инсоннинг инновацион қобилияtlарини ривожлантириш даражалари ва уларнинг иқтисодиётда тижоратлаштириш шаклларининг мутаносиблигини ўрганиш асосида “Инсон капиталининг инновацион модели» тавсия этилади. Инсон капиталининг “инновацион” компонентини шакллантитириш воситаси сифатида илмий-техник ижодкорлик, инновацион компетентлик ва инновацион тадбиркорлик тушунчаларининг мазмун-моҳияти очиб берилади.

**Таянч сўзлар:** инновация, инсон капитали, инновацион инсон капитали, илмий-техник ижодкорлик, инновацион компетентлик, инновацион тадбиркорлик.

**Аннотация.** В статье рассматривается формирование инновационного образа человека в результате получения качественного образования и проведения эффективных научных исследований. Рекомендована «Инновационная модель человеческого капитала» на основе изучения степени развития инновационных способностей человека и соразмерности их формам коммерциализации в экономике. Характеризуются такие инструменты формирования инновационного компонента человеческого капитала как научно-техническое творчество, инновационная компетентность и инновационное предпринимательство.

**Ключевые слова:** инновации, человеческий капитал, инновационный человеческий капитал, научно-техническое творчество, инновационная компетентность, инновационное предпринимательство.

**Abstract.** The article deals with the formation of an innovative image of a person as a result of receiving a quality education and conducting effective scientific research. The "Innovative model of human capital" is recommended based on the study of the degree of development of human innovative abilities and the proportionality of their forms of commercialization in the economy. Such tools for the formation of an innovative component of human capital as scientific and technical creativity, innovative competence and innovative entrepreneurship are characterized.

**Key words:** innovation, human capital, innovative human capital, scientific and technical creativity, innovative competence, innovative entrepreneurship.

### 1. КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаган эдики: “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги foяга, инновацияга таянган давлат ютади” [1]. Ушбу стратегик вазифани амалга оширишда мамлакат иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида инновацион фаолиятни ташкил этишининг замонавий шаклларини жорий этиш ва тадбиркорлик субъектларининг

инновацион фаоллигини ошириш масаласи долзарб ҳисобланади. Чунки, хўжалик юритувчи субъектларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлиги уларнинг инновацион соҳасида фаоллик даражасидан боғлиқ бўлиб, инсон капиталининг эволюцияси билан бирга амалга оширилади.

Хозирги шароитда хўжалик юритиши субъектлари рақобат устунликларига кўп жиҳатдан табиий ресурслар ҳисобига эмас, балки мамлакатнинг иқтисодий ўсиши учун асос бўлган билим, ахборот ва илмий натижаларини инновациялар даражасига кўтариш туфайли эришадилар. Рақобатбардошлиқ, иқтисодий ўсиш ва самарадорликни оширишнинг асоси сифатида фабрика-за-

водлар, асбоб-ускуналар ва бошқа активлар эмас, балки инсон капитали эътироф этилади. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб айтиш жоизки, XXI асрда инсон капитали ижтимоий тараққиёт ва мамлакатларнинг иқтисодий салоҳияти юксалишига хизмат қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кўпгина олимларнинг фикрича, инсон капитали инновацион иқтисодиётнинг энг қимматли интеллектуал ресурси ҳисобланади.

Мақоланинг асосий мақсади шахснинг инновацион қобилиятларини ривожлантириш ва уларнинг ушбу салоҳиятини иқтисодиётда рӯёбга чиқариш ва тижоратлаштириш асосида инсон капиталининг “инновацион модели”ни ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун мақолада инновацион инсон капиталинини шакллантириш воситаси сифатида илмий-техник ижодкорлик, инновацион компетентлик ва инновацион тадбиркорлик тушунчаларининг мазмун моҳияти очиб берилади.

## **2. МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

“Инновацион инсон капитали” тушунчаси америкалик олимлар Г.Беккер [2] ва Т.Шульц [3] томонидан асосланган инсон капитали концепциясидан фойдаланган ҳолда таърифланган. Унинг таянч асоси сифатида “индивидуал инсон капитали” танланган. Рус олимлари А.Н.Добринин ва С.А. Дятловларнинг таъбирига кўра, “индивидуал инсон капитали - бу меҳнат жараённада мақсадли ишлатиб, кишининг унумдорлигини ва иш ҳақини оширишга кўмаклашадиган, инвестициялаш ва инсон капиталини жамғариш натижасида шаклланган соғлик, билим хазинаси, кўнкма, қобилиятлар, мотив кўламидир”[4].

Олим ва тадқиқотчилар инсон капиталининг муҳим аҳамиятга эга компонентлари бўйича унинг турли эволюцион концепцияларини ажратадилар. Жумладан, инсон капиталининг муҳим компоненти сифатида билимни тавсифлаш асосида унинг “таълим концепцияси” олдинга сурилади [5]. Ахборотни инсон капиталининг муҳим компоненти сифатида кўриб чиқиб, мазкур капиталнинг “информацион концепцияси” ҳақида фикр юритилади [6]. Инсон капиталини

жамғариш манбаи сифатида инвестицияларни ажратиб, “инсон капиталининг инновацион концепцияси” ўрганилади [7]. Интеллектни инсон капиталининг компоненти сифатида кўриб чиқиб, “интеллектуал инсон капитали концепцияси” тавсия этилади [8]. Тадбиркорлик қобилиятини иқтисодиётда намоён бўлиши эвазига “инсон капиталининг тадбиркорлик концепцияси” ўрганиб чиқилган [10].

## **3. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Мақолада гуруҳлаш усулини қўллаб инновацион инсон капитали концепциясининг методологик асосини иккита: 1) инсон капитали назарияси ва 2) инновациялар назариясининг боғлаш эвазига вужудга келиши кўрсатилган. Тизимли таҳлил усулидан фойдаланиб, “Инсон капиталининг инновацион модели”нинг кириш, жараён, натижа ва қайтар алоқа қисмлари шакллантирилган. Мантиқий таҳлил усулидан фойдаланилган ҳолда шахснинг инновативлик хусусиятини ифодаловчилари сифатида оқиллик, фикрловчиллик, яратувчанлик ва тадбиркорлик фазилатлари ажратилган. Қиёсий усулдан фойдаланган ҳолда инновацион ва анъанавий шахс ўртасидаги тафовутлар аниқланган.

## **4. ТАҲЛИЛЛАР ВА АСОСИЙ НАТИЖАЛАР**

Инсон капиталини шакллантириш бўйича мавжуд фикрларни монографик таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, олимлар таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот хизматлари, маданият ва санъат билан бир қаторда инновация элементларини ўз ичига оладиган илм-фанди ҳам инсон капиталини ривожлантиришнинг муҳим омили деб биладилар. Чунки илм-фан инвестициялашнинг энг самарали соҳасидир. Жаҳон амалиётида бунга инвестициялардан олинадиган фойда 100-200 фоиз ташкил этилиши ва ҳар қандай тармоқ фойдасидан анча юқори эканлиги умумий қабул қилинган. Хорижий иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобича, илм-фанга сарфланган бир доллар учун йилига 4-7 доллар ёки ундан кўпроқ фойда олинади. Бундай иқтисодий самарага илм-фанди жамиятнинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучига айланиши туфайли эришилади. Илм-фан икки жиҳат-

дан жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучи сифатида намоён бўлади:

Биринчидан, илм-фан идеал ишлаб чиқарувчи куч сифатида бевосита шаклда киради ва унинг ташувчиси ишлаб чиқариш жараёнида ўз руҳи ва салоҳиятини амалга оширадиган шахс ҳисобланади. Шунинг учун илм-фан ишлаб чиқарувчи кучга айланганида, айни пайтда инсоннинг ишлаб чиқарувчи кучлари ҳам ривожланиб боради.

Иккинчидан, илм-фан ўзининг ўзгарган, моддийлаштирилган кўринишида ишлаб чиқарувчи куч сифатида ҳаракат қиласди. Бунда у моддий ва ишлаб чиқарувчи куч вазифасини бажаради ва унинг ташувчилари асбоб-ускуналар, технология ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг бошқа моддий тузилмалари ва элементлари ҳисобланади [9].

Шу билан бирга, инсон капитали концепцияси фан ва таълимнинг икки жиҳатига - *ресурс* (инсон капиталининг ўзи) ва *тизим* (унда инсон капитали жамғариш) сифатида асосланиши мумкиндирики, бу илм-фанга иқтисодий ва инновацион ёндашувлар орасидаги тафовутни бартараф этишга имкон беради [5].

Иқтисодий ёндашув илм-фан ва таълимни иқтисодий ўсиш манбаи сифатида кўриб чиқади, уни ишчи кучи ижодкорлиги ва инновацион меҳнат унумдорлигини ошириш орқали иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан баҳолайди. Инсон капиталининг жамғарилиши таълим муассасалари битирувчиларнинг маълум бир касбни эгаллашга қаратилган билим, кўникма ва маҳоратни шакллантирадиган узлуксиз таълим жараёнида ҳам, илмий-тадқиқот, инновацион ва тадбиркорлик фаолияти давомида ҳам содир бўлади.


Таъкидлаш жоизки, илм-фан жамиятнинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучига айланиб, иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларида инновацион фаолиятни ривожлантиришга ёрдам беради, шунинг учун инновацион иқтисодиёт шароитида давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади ва у

инновацион фаолият соҳасидаги муносабатларни қонун хужжатлари билан тартибга солиш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаоллигини таъминлайди.

Юқорида билдирган фикр-ғояларни ҳисобга олган ҳолда, биз "инновацион шахс"ни индивидуал инсон капиталини жамғаришнинг мустақил манбаи сифатида кўриб чиқиши мақсаддага мувофиқ деб билалими. Биз индивидуал даражада "Инсон капиталининг инновацион модели"ни яратишни тавсия қиласмиз. Тавсия этилаётган инновацион модел иккита назария: 1) инсон капитали назарияси ва 2) инновациялар назариясининг боғлаш эвазига вужудга келади. Унинг шаклланиши бир томондан инновацион жиҳатдан шахсни унумли қобилиятларнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан инсон инновацион қобилиятларини тижоратлаштириш ҳамда капиталга айланиш жараёни билан узвий боғликдир.

Инсон капитали ва инновациялар назариясининг интеграциялашуви натижасида шахснинг ўзига хос ҳусусияти сифатида инновацион инсон капиталини жамғариш манбасига айлантириш жараёни содир бўлади. Бундан ташқари, одамларда инновацион фаолият бўйича компетенцияларини, ёхуд инновацияларни қўллаш ва тижоратлаштириш қобилиятини ривожлантириш шарти билан инсон капиталининг инновацион модели шаклланади. Кейинчалик инновацион фаолиятга инвестициялар киритиш билан шахснинг инновативлик даражаси ошади, бу бир томондан, оила даромадининг ошишига ва аҳоли турмуш сифатининг яхшиланишига ёрдам беради, иккинчи томондан, тармок, худуд ва умуман давлатни ривожлантиришнинг инновацион моделига ўтиш таъминланади.

Жамиятда шахснинг инновацион киёфасини шакллантирилиши орқали инсон капиталининг инновацион модели шаклланади (1-расм).



1-расм. Инсон капиталининг инновацион модели\*

\* муаллиф ишланмаси

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, “Инсон капиталининг инновацион модели” иккита қарама-қарши томонда жойлашган кириш қисмларидан, бу қисмларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиб ҳаракатга келтирадиган жараён қисмидан ҳамда “қобилият” турлари ва “даромад” манбаларининг уйғулантирилиши эвазига шакллантирадиган жузъий (инновацион инсон капиталининг шаклланиши) ва умумий (инсоннинг иқтисодий субъект сифатида ракобатбардошлигини ошириш) натижা қисмларидан иборат.

Моделнинг чап томонида “Инсон инновацион қобилиятыни ривожлантириш” кириш қисми жойлаштирилган. Бунда “Инсон инновацион қобилияти” деганда индивиднинг янгиликларга интилувчанлиги, таълим олиш натижасига билимдонлиги, тадқиқот олиб бориш эвазига янги гоя, технология, илмий ишланмаларни яратиши ва уларни амалда қўллаш билан боғлиқ қобилиятлари назарда тутилади. Шунинг учун, инно-

вацияларга муносабати бўйича инсонга баҳо беришда унинг инновацион қобилиятынинг ривожланганлик даражасини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Инновацион қобилиятынинг ривожланганлик даражасини инновацион инсоннинг муҳим хусусиятини ифодалайдиган “инновативлик” умумлашган аниқловчиси орқали аниқлаш мумкин. Бунда, “инновативлик – бу инсоннинг ижодий салоҳияти билан боғлиқ шахсий хусусияти бўлиб, индивидуал инновацион хулқатворда намоён бўлади” [11].

Моделнинг ўн томонидаги “Инсон инновацион қобилиятыни тижоратлаштириши ва капиталлаштириши“ деб номланган қисми меҳнатга лаёқатли кишининг инновацион қобилиятыни ривожланиб, уларни рўёбга чиқариш ва капиталга айлантириш эвазига яратадиган даромад турларининг шакллантиришини назарда тутади.

Моделнинг иккита қарама-қарши томонида жойлашган кириш қисмларини бир-би-

рига таъсир кўрсатиб ҳаракатга келтирадиган ва инновацион инсон капиталинини шакллантирувчи ташкилий-иктисодий механизми сифатида илмий-техник ижодкорлик, инновацион компетентлик ва инновацион тадбиркорлик воситалари жойлаштирилган.

*Илмий-техник ижодкорлик* инновацион шахснинг мухим хусусияти бўлиб, инновациялар айнан илмий-техникавий ижод натижасида вужудга келади. Илмий-техник ижодкорлик ўз ичига: 1) рационализаторлик таклифлари; 2) ихтиро; 3) кашфиётни қамраб олади. Бунда, рационализаторлик таклифлари – бу такомиллаштириш ёхуд ижтимоий эҳтиёжларга мос равишда бирор нарсани янада яхшироқ ташкил этишни жорий этишдир. Ихтиро – илмий билимлар ва техника ютуқлари асосида техник тизимлар ва уларнинг алоҳида таркибий қисмларининг ишлаш ёки лойиҳалашнинг янги тамойиллари яратилган ижодий фаолият маҳсулидир. Кашфиёт – илгари номаълум бўлган объектив қонуниятлар, янги ҳодисалар, хусусиятлар ва самараларни киритилиши эвазига фан ва техника билимларда туб ўзгаришларининг содир бўлишини назарда тутади [12].

*Инновацион компетенция* – бу компетенциянинг ўзига хос тури бўлиб, биринчи навбатда, янги ғояларни яратиш маҳорати ва уларни амалга ошириш жараёнини то янги инновацион маҳсулот яратишгача раҳбарлик қилишдир [13]. Инновацион компетенцияга эга ходим қўйидаги фазилатлар билан тавсифлаши мумкин:

- инновацияларга мойиллик;
- ўрнатилган (ташкиллаштирилган) жойда янгиликни топа олиш;
- тез ва тўғри фикрлай олиш;
- малакали назариётчи ва ақлли амалиётчи хусусиятларга эгалик [14].

Қайд қилиш жоизки, янги техника, технология, меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришининг янги шаклларини яратиш билан инновация тугамайди. Инновация - ишлаб чиқаришга янгиликларни жорий этишдир. Шундай экан, инновацион шахснинг мухим сифати - *тадбиркорликдир*. Корхона ривожланишининг янги йўлларини назарда тутувчи, инновациялар ҳақида гапиришга имкон

берувчи тадбиркорлик фаолиятини “инновацион тадбиркорлик” атамаси ифодалайди. Инновацион тадбиркорлик янги ғоя ва ихтиrolardan амалий фойдаланиш орқали янги товар, хизмат ва технологиялар яратиш жараёни ҳисобланади. У янгилик яратишнинг алоҳида ижодкорлик жараёни бўлиб, унинг негизида янги имкониятларни излаш, инновацияларга мойиллик ётади.

Тавсия этилаётган иктисодий моделнинг ўзига хослиги ақлли меҳнат ва инновацион тадбиркорлик фаолиятини бирлашиши асосида индивидуал инсон капиталининг “инновацион” концепциясининг шаклланишидадир. Сифатли таълим олиш ва ижодкорлик билан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши натижасида ривожланаётган инновацион “қобилият” ва инновацион фаолиятидан олинадиган “даромад” ўзаро мутаносиблиқда шахснинг янгича – “инновацион инсон капитали” қиёфасини шаклланишини таъминлайди, деган хulosага келинди.

Инновацион инсон қиёфаси. Инсон капитали инновацион моделининг асосий компоненти бўлган инновацион шахс - инновацион тизимнинг ўзига хос ДНКси бўлиб хизмат қиласи. Инновацион шахснинг моҳиятини очиб бериш борасида турли фикрлар мавжуд. “Инновацион шахс” тушунчаси биринчи марта 1962 йилда Еверетт Хейген томонидан киритилган бўлиб, у ушбу терминологияни иктисодий муносабатларнинг предмети сифатида иктисодий ўсишни мустаҳкамлаш, тадбиркорликни кенгайтириш ва капитал жамғаришининг зарурий шарти деб ҳисоблаган. Е.Хейгеннинг фикрича, анъанавий ва замонавий жамиятларга хос бўлган ҳар хил, ҳатто қарама-қарши шахс турлари мавжуд. Биринчисида, бу авторитар шахс, иккинчисида, ҳар жихатдан унга тўғридан-тўғри қарама-қарши бўлган инновацион шахс [15].

Рус олимлари инновацион шахснинг мухим фазилатлари қўйидаги хусусиятлар бўлиши кераклигини таъкидлайдилар: юқори профессионал даража, уни доимий равишда такомиллаштириш истаги; ижодкорлик, яъни, нафақат идрок этиш, балки янги, ўзига хос нарсаларни яратади олиш қобилияти; замонавий техника ва технологияларни,

мехнатни ташкил этиш ва бошқаришнинг янги шакл ва усуларини эгаллаш истаги ва қобилияти; ўзига хос ижтимоий-психологик фазилатлар, яъни мослашувчанлик, фикрлаш, мақсадга мувофиқлик, виждонлилик, меҳнатсеварлик [16].

Шу билан бирга, инновацион шахснинг хусусиятларини аниқ тушунмаслик ушбу турдаги шахсни шакллантириш жараёнларини мураккаблаштиради ва бу жараённинг оқибатларини олдиндан айтишга тўсқинлик қиласди. Шу сабабли, инсоннинг инновацион жараёнларда иштирок этиш

самарадорлигини белгилайдиган асосий фазилатларини, уларнинг инсон капиталини мақсадли шакллантириш имкониятлари ва хусусиятлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш зарур.

Бизнинг фикримизча, шахснинг инновативлик хусусиятини ифодаловчилари сифатида оқиллик, фикрловчилик, ижодкорлик ва тадбиркорлик фазилатлари хизмат қилиши мумкин. Биз инновацион инсоннинг “Ақлли, фикрловчи, ижодкор ва тадбиркор (қисқартирилган – “АФИТ”) қиёфасини яратишни тавсия қиласмиз (2-расм).



**2-расм. Инновацион инсоннинг «АФИТ» қиёфаси**

\* Манба: муаллиф ишланмаси.

2-расмдан қўриниб турибдики, инсон капиталининг “инновация” компоненти энг аввало ақлли меҳнат маҳсулида намоён бўлади. У муайян илмий мавзулар доирасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказиш натижасида илмий янгиликларни яратишга қодир истеъдодли шахс бўлиши керак. Аммо, агарда инсон ўз илмий янгиликларини инновация даражасига айлантиrmай туриб, фақатгина магистрлик ва докторлик диссертацияларини ёзуб, ҳимоя қилиши билан чекланиб қолса, бундай академик ва илмий даражали кишини ҳали инновацион инсон қаторига киритиш етарлича эмас. Шунинг учун инновация соҳасида муваффақиятга эришиш учун ақл-идрок ва ижодкорлик билан бир қаторда яна инновацион тадбиркорлик кўникмасига ҳам эга бўлиши талаб этилади. Айнан инновацион тадбиркорлик фаолияти натижасида шахс илмий янгиликларини амалиётга жорий этиш йўли

билин инновацион ғоя, технология ва лойиҳаларни яратишга қодир бўлади.

## 5. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқоридаги натижаларига асосланиб, қўйидаги хулоса ва тавсияларга келинди.

- Инсон капиталининг муҳим компоненти сифатида “инновация” нуқтаи назаридан “инсон капиталининг инновацион модели” тавсия этилади. Ушбу модельнинг таянч асоси бўлиб инновацион шахс ҳисобланади. Бундай шахснинг инновативлик хусусиятини ифодаловчилари сифатида оқиллик, фикрловчилик, ижодкорлик ва тадбиркорлик фазилатлари хизмат қиласди.

- “Инсон капиталининг инновацион модели” иккита:

- инсон капитали назарияси

- инновациялар назариясининг туташуви эвазига вужудга келиб, унинг шаклланиши бир томондан инновацион жиҳатдан шахснинг унумли қобилиятларини шаклла-

ниши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан инсон инновацион қобилиятларни тижоратлаштириш ҳамда капиталга айланиш жараёни билан узвий боғлиқдир.

3. Тавсия этилаётган иқтисодий моделнинг ўзига хослиги ақлли меҳнат ва инновацион тадбиркорлик фаолиятини уйғулиги асосида индивидуал инсон капиталининг “инновацион” концепциясининг шаклланишидадир. Сифатли таълим олиш ва ижодкорлик билан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш натижасида ривожланаётган инновацион “қобилият” ва инновацион фаолиятидан олинадиган “даромад” ўзаро мутаносиблиқда инсон капиталининг янгича –

“инновацион инсон капитали” ни шакллантиради.

4. Янги Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион йўлга ўтказиши мақсадида инновацион инсон капиталини шакллантирувчи ташкилий-иқтисодий механизмлари сифатида илмий-техник ижодкорлик, инновацион компетентлик ва инновацион тадбиркорлик кўникмалари ривожлантириш лозим.

5. Ақлий ҳужум, бизнес ўйинлари, тизимли таҳлил, тренинглар, кейс усуллари каби интерфаол илмий тадқиқот усулларидан кенг фойдаланиб, инновацион соҳа учун кадрларни тайёрлаш ва уларнинг илмий-техник ижодкорлиги ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш тавсия этилади.

#### **Фойдаланилган адабиёт рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://www.press-service.uz/> [22.12.2017].
2. Беккер Г.С. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории: Пер. с англ./ Сост., науч. ред., послес. Р.И. Капельюшников; предисл. М.И. Левин - М: ГУ ВШЭ, 2003.- 672 с.
3. Schultz T.P. Investment in Human Capital // The American Economic Review. March 1961, №1.p.70.
4. Добринин А.Н., Дятлов С.А. Человеческий капитал в транзитной экономике: формирование, оценка, эффективность использования. СПб.: “Наука”, 1999. С. 6-7
5. Илющенко О. С.Образование – значимая составляющая человеческого капитала [Электронный ресурс]. <http://careerist.ru/Publications-obrazovanie---znachimaya-sostavlyayushchaya-chelovecheskogo--984.html>.
6. Бородин А.С. Влияние качества человеческого капитала на информационную безопасность. <http://www.politex.info/content/view/607/30/>.
7. Холомкин С.А.Методы обоснования инвестиций в человеческий капитал при разработке стратегических решений. Автореферат дисс...к.э.н. Москва.2008. - 16 с.
8. Дресвянников В.А. Интеллектуальная деятельность как основа формирования интеллектуального капитала промышленного предприятия: монография. Пенза. ИИЦ ПГУ. 2007. – 164 с.
9. Условиях превращения науки в непосредственную систему [Электронный ресурс].[https://studopedia.ru/3\\_41773\\_usloviyah-prevrashcheniya-nauki-v-neposredstvennyyu-sistemu.html](https://studopedia.ru/3_41773_usloviyah-prevrashcheniya-nauki-v-neposredstvennyyu-sistemu.html) [08.12.2017].
10. Навруз-Зода Б.Н., Навруз-зода Л.Б. Предпринимательская концепция формирования и развития человеческого капитала. Современная наука. № 1. 2014. Москва.С.21-25.
11. Эсаулова И. А., Линькова Н. В., Меркушева А. А. Инновационные компетенции как основа инновационного поведения сотрудников организаций // Вестник Университета (Государственный университет управления). – 2015. – № 5. – С. 330–335.
12. Марченко И.В. Научно-техническое творчество как развитие профессионального воспитания в образовательном процессе // Высшее техническое образование. 2016. №8 (190).47-50 с. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nauchno-tehnicheskoe-tvorchestvo-kak-razvitiye-professionalnogo-vospitaniya-v-obrazovatelnom-protsesse> (дата обращения: 10.03.2023).
13. Блохина М.С. Инновационные компетенции в структуре требований к современным руководителям. Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. Серия: Социальные науки, 2016, № 2 (42), С. 149–158.
14. Глаз В.Н., Савельева Е.А., Миргородская О.А. Инновационная компетентность кадров современной экономической системы // Вестник Белгородского университета кооперации, экономики и права. 2014.№ 3 (51). С. 143–148.
15. Hagen, Everett .On the Theory of Social Change, Homewood, IL: Dorsey Press, 1962.- 557 p.
16. Стратегия инновационного развития Российской Федерации на период до 2020 года / Минэкономразвития России. — [URL: http://www.economy.gov.ru/minec/](http://www.economy.gov.ru/minec/).